

Шеъриятдаги идеал масаласи жуда мураккаб, кўп киррали. У хамма даврлар учун мухим хисобланиб келган. Факат ўз киёфасини ўзгартириб-турланиб турғанлиги боис идеални хар доим хам сувнинг юзасида учратиш мумкин эмас. Аслида-чи? Аслида, у гоҳ идеал-кахрамон, гоҳ эса идеал-гоя – мафкура сифатида яшаган, яшайди. Идеал масаласига нафакат кунимизда, балки кадимда хам жиддий эътибор килинганини эътироф этиш жоиз. «Мифологик афсоналар генезисининг кадимий илдизлари оила, уруг, кабила эътиқодларига бориб болжанади. Хусусан, афсоналар асосини ибтидоий инсон хаёти, номаълум ходисаларга жавоб топишга уриниш, эътиқодий тушунча, тасаввурлар яратишга, шунингдек, момакалдирок, чакмок, бўрон, зилзила, сел каби гайриоддий кўринган ходисаларга карши кураша оладиган гайритабиий пахлавонларни (таъкид бизники – У.Х.) излаш, аждодлар руҳига сажда килиш, нотабиий кучга сигиниш, илохий кудратга ишонч, химматига топиниш кабилар ташкил этган» деб ёзди проф. Комил Имомов «Мифологик афсоналар» деб номланган маколасида. Демак, ўша ибтидоий жамоа одамлари хам хаётда юз берган чигал муаммоларни ечишда ўзларига маънан куч берувчи идеал каҳрамонларга – гайритабиий пахлавонларга ботиний эҳтиёж туйган.

Идеал тимсолий-хиссий шаклда акс эттирилгандагина унинг бадиий талкини тўгрисида гап бориши мумкин. Ижтимоий, маънавий, эстетик идеалларнинг бадиий идеалга айлантириш учун санъаткор анча-мунча йўлни босиб ўтган бўлиши керак. Энг катта шоирларимиз ижодида хам баъзан бадиий киёмига етмай шеърга кўчган ижтимоий, гуманистик мазмундаги идеалларга дуч келиш мумкин. Истиклол, озодлик, юрт кайгуси билан бөглиқ ижтимоий сиёсий-идеалларнинг анчайин ялонгоч ифодасини кўпроқ XX аср аввалидаги шеъриятимизда кузатса бўлади. Демак, хар кандай идеал шоир томонидан эстетик англанган бўлиб, бадиий жихатдан камолга етгандагина чинакам санъат ходисасига айланар экан. Кандай идеаллардан маънавий куч олганига караб шоир яшаган давр залворини чамалаш мумкин бўлганидек, шу идеалларнинг кай даражада бадиий талкин топганидан келиб чиккан холда унинг санъаткорлик маҳорати баҳоланади. Бу жихатдан Чўлпоннинг “Бинафша”, “Кўнгил” каби шеърлари эътиборли.

Гегель, Чернышевский, Соловьевларнинг карашларида идеалнинг куйидаги жихатлари алоҳида кайд этилади:

- А) акл соҳасида - хакикат,
- Б) ахлок соҳасида - эзгулик,
- В) эстетика соҳасида – эзгулик.

Шу ўринда “акл соҳасида хакикат” дейилган тезисни бироз таҳтири килиб, “эътиқод бобида - хакикат”, ёки янайм жўялироги, “дунёкараш соҳасида - хакикат” десак, максадга мувоғиқ киёфа касб этгулик. Чунки “дунёкараш” “акл”га нисбатан умимийрок мазмундаги категория бўлгани боис кенгрок майдонни ўз тасарруфига олабилади. Бас, шундай экан, унинг ичига ижтимоий идеаллар – одил шоҳ, адолатли жамият, халолу пок инсон, садоқатли дўст каби катор тушунчалар кириб кетади.

Энди идеал бобида немис олими И. Кантнинг мурохазаларидан келиб чикиб, бутунлай карама-карши нуктаи назарни химоя килган И. Ильинский ёзади: “Йўк. Инсонга идеални табиат берган эмас. Идеални инсоннинг ўзи яратган. Чунки унга вокеликни нуксонлардан тозалаш ва шуурда у(идеал)нинг ёркин образини куриб чикишга интилиш хос” . Демак, олим фикрича, идеал тамомила субъектив характерга эга. Адолат юзасидан кайд этиш керакки, идеал тўгрисидаги мазкур субъектив муносабат хам кандайдир асосга таянади ва бу асос хар нарсадан олдин табиатдир. Чунки табиатда инсон ботинидаги идеални шаклланишига дастлабки чизикларни тортгувчи хамма шарт-шароит мавжуд. Яъни табиатдаги уйгунлик шоир ботинидаги идеалнинг шаклланишидаги зарур омиллардан хисобланади.

XX аср инсоният учун ширин келди, деёлмаймиз. Биргина мамлакатимиз мисолида мушохада киламиз: аср аввалидаги кашшоклик, маърифатсизлик, кетма-кет юз берган инкилобларнинг таъсири, хонликлар – совет давлати – “босмачилар” учлиги ўртасидаги урушлар, нихоят, шўроларнинг хукмронлиги, улар ўтказган катор сиёсий-иктисодий тадбирлар (коллективлаштириш, индустрлаштириш, режалаштириш ва хоказолар), Улуг Ватан уруши, шахсга сигиниш ва унинг окибатлари, Сталиннинг ўлими ва сиёсий иликлик шабодаларининг эсиши, кайта куриш, нихоят, Истиклол...

Бу демакки, XX аср инсони ўз хаёт йўлида умид ва умидсизлик деган иккита кутб ўртасида жони халак яшади. Натижада у худди ибтидоий жамоа одами – аждоди каби хаётдан идеаллар кидирди. Гоҳо идеалларда ўз орзу-армонларини мужассам кўрди, гоҳо рўёбга чикмаган истакларини санъат ва адабиётдаги каҳрамонлар зиммасига юклаб таскин топишга уринди.

Юзийллик ибтидосида миллатнинг тафаккур гуллари маърифатсизликни юртнинг энг оғрик нукталаридан бири деб билдилар. Улар хаёт ва истеъдодларини элни ўқимишли килишга багишладилар, маблагларини сарфладилар. Окибат - адабиётда маърифатли киши образи пайдо бўлди. Авлоний, Сўфизода, Ибрат, Хамза, Фитрат, Чўлпон каби катор шоирларнинг ижодида шу гоя кайта-кайта ишланди. Чунончи, Фитрат «Ўгут» шеърида ёзади:

Огир йигит, гўзал, нурли кўзингда,
Бу миллатнинг саодатин, баҳтин ўкудим.
Ўйлашингда, туришингда хамда ўзунгда
Бу юрт учун кутулишнинг борлигин кўрдим.

Озодлик, Истиклол, янги давлат куриш каби гоялар эса Чўлпон ва Фитрат шеърларида идеал-гоя даражасида тараннум этилди. Вакти бўлдики, улар хаётдан нимаики рўшнолик кутган бўлса, хаммасини шу гоя билан bogладилар. Чунончи, Чўлпон бир шеърида

Ол байрогингни, калбинг уйгонсин,
Куллик, асорат – барчаси ёнсин,
Кур янги давлат, ёвлар ўртансин,
Ўсиб Туркистон, каддин кўтарсин!

деб ёзса, Фитрат

Онам, сени куткармокка жонми керакдир?
Номусми, виждан била имонми керакдир?

дея нола чекди “Юрт кайгуси” шеърида. Идеал узокдаги маёк каби шоирни ўзига чорлаб туради. У кўпинча ана шу маёқдан кўнгилга тушган иликлик таъсирида харакат килади. Санъаткор куйлаётган юксак кадриятлар зимнида идеалнинг харакати ётади. Факат бу хол хамма вакт хам кўзга ташланавермайди. Улуг мутасавиф Мавлоно Румий «Инсонни бог хаёли бокка, тог хаёли токка бошлайди» деб айтади. Ўша хаёл бу ўринда гоядир, идеалдир. Албатта, гоя хар доим идеалга teng эмас ва бундай бўлиши шарт хам эмас. Баъзан улар тенглашиб-бирлашиб кетади. Шунда гоя-идеал пайдо бўлади. Бу нарса Чўлпоннинг озодлик йўлида ёзилган шеърларида ўзини яккол намоён этган. Биргина «Бинафша» шеърининг тахлили юкоридаги иддаомизни исбот килиши мумкиндек туюлади:

Бинафша, сенмисан, бинафша, сенми –
Кўчада окчага сотилган?
Бинафша, менманми, бинафша, менми –
Севгингга, кайгингга тутилган,
Бинафша, нимага бир озрок очилмай,
Бир эркин кулмасдан узилдинг,
Бинафша, нимага хидларинг сочилмай,
Ерларга эгилдинг, чўзилдинг?

Бир карашда сўз факат бинафша – бир чечак хакида кетаётгандек. Тўгри, шеърнинг юзадаги – биринчи катламидаги маъно айнан озрок очилмай узилиб, кўчада сотилган гул тўгрисида. Лекин шоирнинг асл муроди шугинани тасвирлашдан иборат эмас. Балки гул билан боглик гояни рамз холига келтириб, асл – ички муддаони айтишдир. Ички муддао бу - эркисиз, хор-зор бўлиб кўчаларда колган инсон холининг баёни. Бинафшага мурожаат килаётган шоирнинг кўнгил кўзи бенаво юрт кишисининг окчага сотилган гул каби аччик кисматида. Колаверса, шу дардни бутун борлигига хис килиб куяётган шоирнинг ўз такдирида хам. “Бинафша, йиглама, бинафша, кел бери, Кайгингни кайгимга кўшгил”. Демак, шоирнинг-да кисмати бинафшаникига монанд. Ахир, “кайгингни кайгимга кўшгил” хитоби бежиз айтилмаяпти. Чунки шоир шу гулни, гул тимсолидаги юрт кишиларини чексиз мухаббат билан севади. Шу туйгу туфайли бинафшанинг бошига келган хар кўргулик шоирнинг кайгусидир. “Бинафша, сенинг-чун кўкрагим эрк ери, Бу ердан кўкларга учгил!” Мана, нихоят, шоирнинг асл муддаоси ошкор бўлди – шоирнинг кўкраги чечак учун – туткун юрт кишиси учун эрк майдони, у бу ердан кўкларга парвоз этиши мумкин. Кўринадики, гап айланиб келиб яна Чўлпон шеъриягини харакатлантирувчи бош гоя-идеал – озодлик, эркинлик мавзусига такалмокда.

Одатда, фоже ходисалар изсиз кетмай, одамлар онгги ва калбидаги муносабат пайдо килади. Идеаллар тахминан ана шу тарзда дунё юзини кўради. Яъни инсон жамиятда, мамлакатда ва дунёда юз бераётган зўравонликка, ёвузыликка, кабохатга, зулмга карши курашга бел баглайди. Баъзан курашдан хеч кандай наф чикмаса хам, баривир, унинг

юрагидаги исён олови сўнмайди. Аксинча, муносабат ўзининг навбатдаги – иккинчи умрини яшай бошлайди: инсон аччик-аччик орзу килади. Одамзод тарихига бир кур тафаккур нигохини ташлабок гувохи бўламизки, у ёки бу мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий хаётидаги бурилишлар нуктасида юрт каҳрамонлари зиммасига жуда азим юклар ортилган бўлади. Айникса, миллатнинг кўли етмай турган асрий орзу-армонлар конидан бунёд этилган каҳрамонларнинг ўрни–ахамияти бекиёс. Ўзбек эпоси – «Алпомиш» достонининг бош каҳрамони – Алпомиш таҳминан ана шундай идеал каҳрамондир. Бу ўринда идеал каҳрамон – хар томондан тўқис, бекаму кўст образ эмас. (Эсланг, инсон сифатида Алпомишнинг ялковлик, фикрсизлик каби бир мунча камчиликлари хам бўлган). Балки миллат ёки унинг алохига вакили – шоир яратган асардаги бош гоя – орзу, армон билан тўйинган идеяни ўзида мужассамлаштирган идеалдир. Демак, идеал хаёт сўмокларида, унинг бухронли – зиддиятли майдонларида адашиб - улокиб колганлар учун йўлчи юлдуздек гап. Идеал шоирнинг ижодий йўлини маълум маънода белгилаб беради. Бинобарин, кайсики давр шоирининг мероси дилга ўт ташласа, билингки, шу ижодкор ўз замонасининг идеалларига ошно бўлган, унга ўз асарлари ёрдамида интилган хисобланади. Шеъриятдаги идеал жамиятнинг бурилиш асноларида ўзини якколрок намоён этади. Шу нуктаи назардан карапланда, XX аср янги ўзбек шеъриятида 20-30 - йиллар даври алохига ўрин тутади. Бу шеърият Фитрат, Чўлпон каби улкан шоирлар номи билан баглик бўлиб, юртнинг аввал чор, сўнгра шўролар томонидан босиб олиннишига карши кайфият билан сугорилган. Шоир шеърларига сингдирган гоя – идеал хам асосан, озодлик, истиклол деган сўзларни ифодалайди. Фитратнинг яна “Юрт кайгуси”, “Бехбудийнинг саганасин изладим”, “Шарк”, “Ўқитгувчилар юртига”, Чўлпоннинг “Бузилгон ўлкага”, “Ёруг юлдузга”, “Кураш”, “Кишан”, “Кўнгил” каби ўнлаб шеърлари зимнида ана шу рух хукмрон.

Мумтоз адабиётимизда марказий ўринлардан бирини эгаллаб келган диний идеал XX аср янги ўзбек шеъриятида бир мунча оркага чекилиб, (бу нарса большевикларнинг атеистик сиёсати билан баглик жараён) ўрнини дунё ва жамиятни тубдан ўзгартиришга каратилган гоялар тўлдириди.

Тингла, шоир!
Тарих – кенг бир уфқ.
Чакмоклар чакнади,
Тўлкинлар ўйнади,
То шу чоккача.
Факат бу кунги чакнаш, бу кунги –
Тўлкин хеч кўрилмаган.
Бу эрк тўлкини.
Хаёт: иш, меҳнат!
Бу инкилоб – озод иш инкилоби.
Узокка бок!
Юзларча,
Мингларча,
Юз мингларча нозик шоир нималар куйлади?
Сен унут!

Юзмингларча “нозик шоир”ларнидан тамомила ўзга йўлни танлаётган шоирни бошқариб, йўналтириб турган куч – дахрийлик ва инкилоб этагини тутган шўролар даври эди. Чунки 30-йилларга келиб, Совет хокимияти оёкка туриб олди. Ижоддаги эркинлик ўтмишга айланди. Адабиёт юкоридан туриб бошқарила бошланди. Натижада тоталитар кадриятлар ижодкорнинг маънавий оламига тикиштирилди. Шоир иккиланиб колди. У инсон ва ижодкор сифатида бурун меҳр бοлаган ўз идеалларидан воз кечишга, хукмрон партия чизиб – дастуриламал килиб кўлига тутказган гояларга – партияга, гоят мавхум эштиладиган умумхалк манфаатларига, социализм пойдеворини мустахкамлашга, ишчи-дехконлар синфиға сидкидилдан хизмат килишга йўналтирилди. (Бу харакатда олдин мажбурият, кейин эса ихтиёрийлик бор эди). Гафур Гулом, Ойбек, Хамид Олимжон, Шайхзода, Миртемир, Зулфия каби истеъодод эгаларининг ижодларида пайдо бўлган талай замонасоз шеърлар шу кайфият билан сугорилган. 30 – йиллар сўнггида тарих сахнасига фашизм балоси чиқди. 1941-1945 йиллар оралигига эса шоир ўз элига, юргита жўр бўлиб, урушни, котилликни, ёвузликни коралади. Хамид Олимжоннинг “Кўлингга курол ол”, Гафур Гуломнинг “Сен етим эмассан”, “Согиниш”, Ойбекнинг “Она сўзи”, “Хайрлашув” каби шеърлари урушга нафрат ва тинчликни ёклаш руҳида ёзилган.

Лугатларда идеал сўзи французча бўлиб, юононча «идеа» калимасидан келиб чиккани ёзилади. «Идеал (юн. Idea – тимсол, гоя, тушунча) – бирор нарса, воеа ва ходисанинг олий намунаси, камолоти; айрим шахс, шахслар гурухи, табака ва жамият интилевчи олий максад. Ижтимой-сиёсий идеал - мукаммал ижтимоий тузум; ахлокий идеал - баркамол инсон сифатлари, инсоний муносабатлар; эстетик идеал - хар тарафлама камолга етган гўзал кўриниш, хислат, тавсиф” деб таъриф берилган энциклопедияда. Француз ва немис олимларидан Дидро, Руссо, Вольтер, Гегель, Кант, Баумгартен, рус танқидчиларидан Белинский, Чернишевский, Соловьевлар идеал муаммосини чукур ўрганганлар. Санъатдаги идеал тушунчасининг бугун истеъмолдаги киёфаси кўп жихатдан ана шу мутафаккирларнинг меҳнатлари хосиласи.

Вл. Соловьев, П. Флоренский, Н. Лосский, Н. Федоров, И. Ильин, Н. Бердяев каби файласуфлар идеални турмушнинг олий ва илохий ибтидоси, деб карашган. Уларча, санъат – идеалнинг образли тажассуми. Шундан келиб чикадиган бўлсак, идеал бу – воеликка санъаткор (шоир) бадиий муносабатининг образли хосиласидир. Бадиий асар, – Кропоткин таъбири бўйича, - «шахсий сажияга эга бўлиб, муаллиф хар канча уринмасин, унинг симпатияси ўз ижодида акс этади ва у ўз таъбига мос келган нарсаларни идеаллаштиради». Дарҳаккат, олимнинг теран мулоҳазаларида жон бор. Шоир ўз майл ва интилишларидан келиб чикиб, йўналиш, мавзу танлайди. Шунга карамай, бир шоирга тегишли бўлган у ёки бу мазмундаги идеал бир вактнинг ўзида бутун бошли миллатга хос бўлиши хам мумкин. Устига устак, шоир яна чин санъаткор бўлса, унинг шеърларининг довруги оламларни тутади: буни Чўлпон, Абдулла Орипов каби шоирлар ижодлари мисолида тарих исбот килди.

40 - йилларга келиб эса идеалнинг ана ўша шоирга тегишли томони “эриб” кетди. Тўгрироги, у партиявийлик, халкчиллик, синфиийлик каби гоявий тамоилилар багрига кириб йўқ бўлди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида шоирларимиз ижодида уруш ва тинчлик мавзуси кучайди. Шоирнинг диккат маркази ёв билан маънан олишишга каратилди, зафар козониш унинг асосий муддаосига айланди. Лекин барибир, Гафур

Гулом, Ойбек, Хамид Олимжон сингари ижодкорларнинг бир неча яхши шеърларини эътиборга олмаса, шоирнинг уруш билан боглик кечинмалари чинакам бадиий талкин даражасига кўтарилиди, дея олмаймиз. Эҳтимол, буни маълум маънода шоирнинг бевосида жанг майдонларида бўлиб, даҳшатли уруш манзараларини ўз кўзи билан кўрмаганлиги билан тушунтириш мумкинdir. Чунки ўзи шохи迪 бўлмаган воеа-ходисаларнинг шоир шахсида персонификация бўлиши бирмунча мушкул иш. Хар калай, уруш ва тинчлик муаммоси янги ўзбек шеъриятида идеал даражасида тараннум этилмагани хакикатга якин. Нима бўлгандаям, Чўлпон, Фитрат янглиг ўтлиг шоирларимизнинг нигохи тикилган улуг идеаллардан кейин шоир маълум бир вакт катта гоясиз колиб, тараддуудланган, излангандек таассурот колдиради. Социалистик гоянинг чинакам бадиий идеалга айланиши эса дастлабки йилларда тўлиг кузатилмайди. Гарчанд Г.Гуломнинг “Согиниш” шеърида акс этган “Асалдан ажраган мумдай саргариб Ини йўқ аридек тўзгиганим йўқ. Улуг эътикодда ўламан кариб, Абаддир ленинча падарий хукук” деган мисраларда ленинча гоянинг эътикод даражасида куйланаётгани кўриниб турса хам, барибир, Бехбудий, Кодирий, Фитрат, Чўлпон каби Истиклол фидойилари ўз хаётини тиккан ўлмас гояларнинг ёди хотиралардан хали тамомила ўчмаган эди. Шунинг учун бу вактни маълум маънода шоирларимизнинг депсинган, иккиланган, изланган даври десак бўлади.

Урушдан сўнгги бир неча ва 50 – йиллар мобайнида номдор шоирларимиз ижодини партия, Ленин, социализм, умумхалк манфаатлари каби мавзулар белгилади, демак, шу гоялар шоирларимиз томонидан гоя-идеал даражасида тараннум этилди хам.

Янгилangan идеалнинг туғилиши Сталин ўлимидан кейинги вактга – иликлиқ даврига тўгри келади. Нега янгилangan? Чунки бу даврга кадар ижодкор идеали совет хукумати ва компартия томонидан катъий килиб белгилаб берилар эди. Иликлиқ шабадаси кўкрагида теккан шоир, нихоят, ўзини бир мунча эркин хис кила бошлади.

Натижада 60 – йиллар шеърларида комил инсон ва унинг хислатлари пайдо бўлади. Шукрулло, Саида Зуннунова сингари шоирларимиз асарларида чин инсон мавзуси бот-бот ишланди. Яна хокисор, камтар кишиларнинг образлари, уларга хос фазилатларни куйлаш холлари учрай бошлади. Э. Вохидовнинг «Камтарлик хакида», А. Ориповнинг “Номаълум одам” каби шеърлари шулар категорига киради.

Камтарин бўл, хатто бир кадам
Ўтма гуур остонасидан.
Пиёлани инсон шунинг-чун
Ўпар доим пешонасидан.

дея Эркин Вохидов камтарликни ўта муваффакиятли чиккан бадиий деталлар воситасида шарафласа, Абдулла Орипов шон-шарафга, мансаб ва бойлика бепарво “буюк юрак”ли инсонни куйлайди:

У на шоир эди ва на машхур зот,
Лекин дунё билан бир эди дарди.
У хам бошкалардек кечириб хаёт,

Шошиб ишга бориб, секин кайтарди...

Тарикдай заминнинг устида беун
Яшаб ўтди шундок буюк бир юрак.
Кайдан келганди у? Билмади кимса,
Кабрга хам жимжит кириб кетди у.
Менимча, дунёнинг устидан роса
Мирикиб кахкаха уриб кетди у.

Бундай шеърларнинг ёзилиши табиий эди. Инкилоблар ва урушларнинг захмлари анча узокда колган, мамлакатда тинчлик, осойишталиқ хукм суроётган, маънавий хаётда эса тургунликдан энди бош кўтарилиган бир палла эдики, шоирларимиз ўз нигоҳларини инсон ботинига каратиб, уни хар жихатдан поклашдек эзгу ният билан ёндилар. Бу ўринда Н. Рубцов, Е.Евтушенко, А. Вознесенский, В. Высоцкий, К. Кулиев, Ў. Сулаймонов, Р. Хамзатов каби ўз даврининг кон томиб турган дардини санъаткорона куйлашнинг уддасидан чиккан совет шоирларининг асарлари билан киёсий тахлиллар килиш яхши самаралар беришини таъкидлаш жоиз.

Ўтмишнинг назмий довонларига назар ташлар эканмиз, аён бўладики, хар бир давр инсоннинг ўз идеалини шакллантиради. Янгилangan сиёсий-ижтимоий, маънавий-психологик мухитда якунланган муайян идеал ўринда бошка бир идеал етишиб чикади. Йўк, у тамомила ЯНГИ бўлмайди. Ижтимоий-сиёсий мухитнинг табиатига караб, бир у ёки бу идеал вакти-вакти билан актуал мавке касб этиши мумкин. Шунда биз уни янги деб карай бошлаймиз. Демак, жамият хам, инсон хам ўз хаёти давомида тинимсиз равишда идеалларга интилиб яшайди. Айни пайтда юртда сиёсий-тариҳий эврилишлар юз берган паллаларда жамиятдаги устивор маънавий кадриятларга путур етиши, хатто улар бир муддат тарих сахнасидан туширилиши, йўқотилиши мумкин. Орадан хеч канча фурсат ўтмай, жамият яна ўз идеал кахрамонларига эҳтиёж тужди. Эҳтиёж ўз навбатида бошка - унунтилган идеалларни майдонга чикаради. Шунда идеал-кахрамон гўё халоскор вазифасини ўтайди. Хоҳ эпосда бўлсин, хоҳ поэзияда, - инсониятнинг бадиий-эстетик оламида буюк роль ўйнаган йирик асарки бор, - барчасида хамма замонлар учун мухим саналган мавзуулар - хаётнинг маъниси, зэгулик, гўзаллик, адолатпарварлик кабилар бадиий асарнинг бош кахрамони – идеал образлар зиммасига юклатилиб келинган. Биргина ўзбек шеърияти мисолида айтадиган бўлсак, Навоий, Бобур, Машраб, Оғаҳийдан тортиб, то 70 - йилларнинг фаол шоирларгача, - барча-барчасида асосий бадиий гоялар шоир-санъаткорнинг идеаллари оркал и, уларга сингдирилган холда талкин этилган.

Адолат, хакикат ва эрк учун кураш 70-йиллар авлоди шоирлари ижодининг асосий кредитосига айлангани маълум. Улар инсон ва жамиятни мукаммал кўришни истадилар ва бутун истеъодлари билан ўз идеаллари томон интилдилар. “Ўлдир, ичингдаги хоинни ўлдир!” дея хайкиради тоза инсонни кўришни орзу килган шоир. Юртнинг эрксизлигидан “Армоним улугдир... кўзёшим улкан, ўлсам, жасадимга юртим тўлажак. Сўнгги зурёдимни захарлар куллар, сўнгги чечакларим айниб сўлажак. Эй, беклар, захар ич - ўзбегинг колиб, ўзгага бўйсундинг, ўлганинг шулдир. Шунданми, бошидан теридан колип, саксовул сингари майишган будун...” дея яна куяди бу авлод шоири.

Идеалнинг фалсафий-эстетик асослари Гегель, Кант, Белинский, Чернишевский каби олимларнинг ишларида тадқик этилган, дедик. В.С.Соловьев назарича, «Табиатдаги гўзаллик хар кандай мазмуннинг ифодаси эмас, балки идеалнинг мазмунидир, бу нарса идеанинг тажассуми хисобланади». У хам идеалнинг учта киррасини таъкидлайди: гўзаллик, эзгулик ва хакикат. Сираси, шеъриятдаги идеалда хам ана шу кирраларнинг барчаси иштирок этади. Факат санъатда хамма нарса сикик, маълум конун-коидаларга бўйсундирилган, шартли равишда акс эттирилган бўлади. В.С. Соловьев санъатнинг ўзига хос хусусиятларини, воситаларини кабул килган холда, мухими, санъат «Инсониятнинг умумий максад муддаосига бўйсунса бўлди» дейди. «Умум ахамиятга эга бўлган идеалгина чинакам инсоний идеал бўлиши мумкин, у ўзида хамма нарсани жо килмоги ва ўзи билан хаммани бирлаштиришга кодир бўлмоги лозим” деб ёзади олим. Албатта, санъатдаги (шеъриятдаги) идеал хамма вакт хам файласуф истагандек мукаммал бўлавермайди. Баъзан шоирнинг лирик қаҳрамони унинг ботиний оламида яшаётган идеал – қаҳрамон билан тўла-тўқис мос тушмаслиги мумкин. Лекин шунда хам хакикий шоир ўз йўлидан чекинмайди. Унинг хар бир асари ана ўша идеал томон бир кадам якинлашиш бўлаверади. «Ижоднинг идеал томон тинимсиз интилиш эканлигидан келиб чиксак, чинакам санъаткор учун хар бир асари идеалга якинлашишнинг бир боскичи (тасаввуф макомлари каби) бўлиши лозимлиги аён бўлади» , - деб ёзади проф. Д. Куронов. Кўринадики, идеалга интилиш бу етуклика, мукаммалликка интилишдир. Ўз навбатида, шоир ижодидаги энг залворли шеърлар идеал сари улоккан узун зинанинг поялари бўлиб хизмат килади. Шоир - субъект ва вокелик – объект муносабатларидағи зиддият кўпинча идеалнинг вужудга келишига сабаб бўлади. Агар санъаткор – субъект вокелик – объектдан мамнун бўлса, бирининг кутгани иккинчисининг рвишига уйгун жарангласа, идеал қаҳрамонга эҳтиёж колмайди. Демак, идеалда мавжуд нарса эмас, балки бўлиши исталаётган нарса акс этади. Бинобарин, идеалнинг бехисоб кўриниши бўлиши мумкин. Жумладан, XX аср янги ўзбек шеъриятида озодлик, истиклол, маърифатпарварлик, янги жамият куриш, партия, социалистик гоя, тинчлик, адолатпарварлик, хакикатгўйлик, ўзликни кидириш, комил инсон, мухаббат каби ўнлаб мавзулар билан боғлик идеалларнинг турли-туман бадиий-эстетик кўринишларига дуч келамиз.

Нихоят, 90-йилларга келиб, империянинг кулаши жамиятда тамомила ўзгача кайфиятни пайдо килди. Чунки мамлакатнинг истиклолга эришуви билан XX аср шоирлари фикру ёдини банд этиб, гоҳ ошкор, гоҳ пинхон яшаб келган асрий орзу-армон ушалган эди. Лекин шоир яна тараддуdda колди. Нега? Чунки унинг тафаккур эшиклари оламга очилди ва шоир истар-истамас модернизм, постмодернизм каби “бегона дунё” окимларининг “тушунксиз” хавосидан нафас ола бошлади. Натижада шеърият ўзини бир муддат идеалсиз – елкансиз кемадек хис килди. Ташкаридан караганда, шу холида шоир хам, унинг шеъри хам майдалашиб кетгандек таассурот колдиради. Буни катта истеъдодларнинг йўклиги билан изохлашга уриниш асоссиз, деб ўйлайман. Хамма гап ўзгариб кетган ижтимоий-маънавий мухитдаги инсоннинг кайфияти ва бу кайфиятни максимал даражада акс эттираётганини даъво килаётган постмодернизмнинг аччик моҳиятида бўлиб кўринади. Умуман, мазкур масала алоҳида макола мавзуси бўлгани боис юкорида муҳтасар айтилганлар билан чекланамиз.

Улугбек Хамдам